

“Агробанк” АТБ
Кенгаши йиғилишининг
2016 йил “ 1 ” июндаги
9/1 - сонли қарори билан
“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Агробанк” АТБ
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2016 йил “ 24 ” июндаги
33 - сонли баёни билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг
Ички назорат тўғрисида
Низом

ТОШКЕНТ - 2016

- 1-§. Умумий қоидалар
- 2-§. Банкнинг ички назорат органлари ва ички назорат тизими
- 3-§. Ички назорат тизими тамойиллари ва унинг компонентлари
- 4-§. Тафтиш комиссияси
- 5-§. Банкнинг ички аудит хизмати
- 6-§. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тузилма
- 7-§. Бухгалтерия операцияларини ички назоратдан ўтказиш тартиби
- 8-§. Ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш механизми
- 9-§. Яқуний қоидалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига ҳамда “Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш” Комиссиясининг 2016 йилнинг 9 февридаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқаруви кодекси”га, шунингдек банк Устави ва ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у банкда Ички назорат тизимини ташкил этиш асосларини белгилаб беради.

1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Ички назорат-банк (унинг бошқарув органлари, таркибий тузилмалари ва ходимлари) томонидан мазкур Низомнинг 2-бандидаги мақсадларга эришиш учун амалга ошириладиган фаолият.

Ички назорат тизими- Ўзбекистон қонунчилиги, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур Низом, банкнинг Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя қилиниши ва мақсадларга эришиш борасида ички назорат органлари ва йўналиш тизимлари жамланмаси.

Ички назорат органлари тизими-банк Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган Бошқарув органлари, шунингдек ички назорат тизими доирасида функцияларни бажарувчи банкнинг таркибий тузилмалари ва хизматчилари (масъул ходимлар).

2. Ички назорат қуйидаги мақсадларга эришиш учун амалга оширилади:

- банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда молиявий-хўжалик фаолият самарадорлиги ва натижавийлигига эришиш, активлар

бутлигини таъминлаган ҳолда актив ва пасивларни самарали бошқариш, банк рискларини бошқариш;

-молиявий, бухгалтерия, статистик ва бошқа ҳисоботларни (ташқи ва ички фойдаланувчилар учун) ишончлилиги, тўлиқлиги, объективлиги ва ўз вақтида тузилиши ва тақдим этилишини, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

-қонунчилик, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ҳамда банкнинг ички тартибларига риоя қилинишини таъминлаш;

-банк ва унинг ходимларини ноқонуний, жумладан жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаш фаолиятларига аралашиб қолмаслигини олдини олиш.

2-§.Банкнинг ички назорат органлари ва ички назорат тизими

3.Банкда Ички назорат органлар тизими амалга ошириладиган операцияларнинг характери ва кўлами, мавжуд рискларни даржасидан келиб чиқиб ташкил этилади.

4.Банкда ички назорат Устав ва ички ҳужжатларга мувофиқ ваколат берилган:

-банк Акциядорларининг умумий йиғилиши;

-банк Кенгаши;

-банк Бошқаруви;

-банк тафтиш комиссияси;

-банк Бош бухгалтер (унинг ўринбосарлари)

-банк худудий бошқарма ҳамда филиаллари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари;

-Ички аудит хизмати;

-банкнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тузилмаси;

-банкнинг мустақил таркибий тузилмалари, операцияларни амалга оширувчи ва назорат қилувчи масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

5.Банкда ички назорат тизими қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

-банк фаолиятини ташкил этиш бўйича Бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган назорат;

-банкда рискларини баҳолаш ва рискларни бошқариш тизими бўйича назорати;

-банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда ваколатларни тақсимланиши бўйича назорат;

-ахборот оқими(ахборотларни олиш ва узатиш)ни бошқариш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича назорат;

-ички назоратни амалга оширишда камчиликларни аниқлаш, таклифларни ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш бўйича қарорлар

ижросини назорат қилиш мақсадида ички назорат тизими устидан доимий тарзда кузатувни амалга ошириш.

6.Банкнинг Бошқаруви органлари томонидан банк фаолиятини ташкил этиш, ички назорат тизимини самарадорлиги устидан назоратни олиб борилиши банк Устави ҳамда ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7.Акциядорлар умумий йиғилиши ички назорат тизими доирасида қуйидаги ваколатларга эга:

- банкнинг йиллик молиявий ҳисоботларини тасдиқлаш ҳамда олинган фойдани тақсимлаш бўйича қарор қабул қилиш;

- бошқарув, шу жумладан ички назоратда иштирок этувчи органларни (Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши, Бошқарув, Тафтиш комиссияси) фаолияти бўйича ички ҳужжатларни тасдиқлаш;

- банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколат муддатларини илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- банк Кенгаши ҳисоботлари ва Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш;

- банк молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказиш бўйича ташқи аудиторларни тасдиқлаш;

- баланс қиймати ёки олиш қийматида битим тузиш тўғрисида қарор қилинаётган санада банк соф активлар миқдорини эллик фоизидан ортиқча бўлган миқдордаги йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- амалдаги қонунчилик, банк Устави ва “Агробанк” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга асосан бошқа ваколатлар.

8. Банк Кенгаши ички назорат тизими доирасида қуйидаги ваколатларга эга:

- банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- банкда самарали ишлайдиган ички назоратни ташкил этиш;

- ўз йиғилишларида доимий равишда ички назорат тизими аҳволини кўриш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш масаласини банк Бошқаруви билан муҳокама қилиш;

- банкнинг ижро органи, ички ва ташқи аудит, шунингдек бошқа назорат органлари томонидан ички назорат тизими ҳолати бўйича тайёрланган ҳужжатлар ва ахборотларни кўриб чиқиш;

- назорат қилувчи органлар ва ташқи аудиторлик компанияси томонидан ички назорат самарадорлигини ошириш юзасидан тайёрланган тавсияларни банк Бошқаруви томонидан амалиётга тадбиқ этилишини назорат қилиш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг раҳбарини тайинлаш, шунингдек аудит хизмати ҳисоботларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

- банкнинг асосий йўналишлари бўйича сиёсатлар (кредит, ҳисоб, фоиз ва х.к.) ва тартибларни тасдиқлаш;

-банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш;

-баланс қиймати ёки олиш қийматида битим тузиш тўғрисида қарор қилинаётган санада банк соф активлар миқдорини ўн беш фоизидан эллик фоизигача бўлган миқдордаги йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-аффилланган шахс билан банк томонидан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-амалдаги қонунчилик, банк Устави ва ““Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Кенгаши тўғрисида”ги Низомга асосан бошқа ваколатлар.

9. Банк Бошқаруви ички назорат тизими доирасида қуйидаги ваколатга эга:

-Акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгашининг ички назорат самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалари ижросини таъминлаш;

-ички назоратни амалга ошириш соҳасидаги банкнинг таркибий тузилмалар (Марказий аппарат, ҳудудий бошқарма ва филиаллар ҳамда уларнинг таркибидаги бўлимлар) учун қоида ва тартибларни тасдиқлаш, уларнинг мажбурият ва ваколат доираларини белгилаш;

-банкнинг ҳудудий бошқарма ва филиалларида ички назоратни самарадорлигини баҳолаш мақсадида текширувлар ўтказиш, бошқа назорат органлари томонидан ўтказилган текширув натижаларини Бошқарув йиғилишларида муҳокама қилиш;

-ишчи органларни, банк қўмита ва комиссияларини тузади, уларнинг ваколатларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

-баланс қиймати ёки олиш қийматида битим тузиш тўғрисида қарор қилинаётган санада банк соф активлар миқдорини ўн беш фоизигача бўлган миқдордаги битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-банкда ахборот узатиш ва алмашинуви бўйича самарали тизим ташкил этиш;

-жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича таркибий тузилманинг ҳисоботларни кўриб чиқиш, шубҳали операцияларни самарали аниқлаш тизимини яратиш ҳамда махсус давлат органига ахборот тақдим этилишини таъминлаш;

-амалдаги қонунчилик, банк Устави ва ““Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга асосан бошқа ваколатлар.

10. Банкда рискларини баҳолаш ва бошқариш “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом ҳамда банк Кенгаши томонидан тасдиқланган “Банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсати”га мувофиқ амалга оширилади.

11. Банк таваккалчиликларини бошқариш – банк ўз фаолиятини юритиш ва операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган

таваккалчиликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир.

12. Таваккалчиликларни бошқаришни ташкил этишдан асосий мақсад:

- банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш;

- банк таваккалчиликларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш;

- банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлашдир.

13. Банк Кенгаши ва Бошқаруви, Кредит, Инвестиция, Ликвидлиликни бошқариш ҳамда Банк таваккалчилиги назорати кўмиталари таваккалчиликларни бошқаришда иштирок этадилар ҳамда ушбу бошқаришга доир сиёсатни ишлаб чиқиб, стратегик ва тактик қарорларни қабул қилади.

14. Кредит таваккалчиликларини бошқариш сиёсатини амалга оширилиши Марказий аппаратнинг Кредитлаш таркибий тузилмалари ҳамда банкнинг ҳудудий бошқармалар ва филиалларидаги таркибий тузилмаларга юклатилади.

15. Ликвидлилик, бозор ва капитал таваккалчиликларини бошқариш сиёсатини амалга ошириш Марказий аппаратнинг Ғазначилик департаменти ҳамда ҳудудий бошқармалардаги тегишли таркибий тузилмалар зиммаларига, шунингдек Ликвидликни бошқариш кўмитаси ва комиссияларига юклатилади.

16. Операцион ва фирибгарлик таваккалчиликларни бошқариш сиёсатини амалга ошириш Марказий аппаратнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, Информацион технологиялар, Ходимлар билан ишлаш департаментлари, Ички назорат ва Хавфсизлик ҳамда Ички аудит бошқармаларига юклатилади.

17. Валюта таваккалчиликларини бошқариш сиёсати Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаменти зиммасига бевосита юклатилади.

18. Муайян таваккалчилик ҳолатининг юзага келиши ва унинг олдини олиш учун ушбу активларни харид қилинишини таклиф қилаётган ҳамда тегишли операцияларни амалга ошираётган бўлинма жавобгар бўлади.

19. Ахборот оқими (ахборотларни олиш ва узатиш)ни бошқариш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун, “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида”ги

Йўриқнома ҳамда банкнинг ички ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади.

20. Банкда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, хусусан ахборотларни олиш ва узатиш, электрон тўлов тизимидан фойдаланишга рухсат бериш, ахборотларни бутлигини ва банк сирини ҳимоялаш, захира серверни узлуксиз ишлаши, ташқи сақловчиларда электрон базани белгиланган тартибда сақланиши бевосита Информацион технологиялар департаменти, Хавфсизлик бошқармаси, шунингдек банкнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда филиаллар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари, ахборот хавфсизлиги ва информацион технологиялар бўйича масъул ходимлар томонидан таъминланади.

21. Ташқи аудиторлар томонидан банкда ахборот хавфсизлигини янада кучайтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасидаги тавсияларини амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш банк Бошқаруви зиммасига юклатилади.

22. Ички назорат органи тизимининг ташкилий тузилма ходимлари куйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий (юримдик) маълумотга ёки махсус ваколатли давлат органининг тегишли малака сертификатига эга бўлишлари;

- банк иши, микромолиялаш, бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида (шу жумладан, ўриндошлик асосида) камида уч йиллик амалий иш стажига эга бўлишлари;

- микрокредит ташкилотлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари бўйича етарли билимларга эга бўлишлари, шу жумладан, Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини билишлари;

- республикада белгиланган бухгалтерия ҳисоби ҳамда умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва аудит халқаро стандартлари қоидаларини қўллаш бўйича билимларга эга бўлишлари.

23. Ички назорат органининг кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби амалдаги қонунчилик, банк Устави ва “Агробанк акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига асосан белгиланади.

24. Ички назорат органи аъзоларининг иш ҳақлари банк Кенгаши томонидан белгиланади ва иш ҳақи тўғрисидаги низомга асосан тўланади.

3-§.Ички назорат тизимининг тамойиллари ва унинг компонентлари

25.Банкда ички назорат тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

- узулуксиз ишлаш-ички назорат тизимининг доимий равишда ишлаши банкда меъёр(кўрсаткич)лардан ҳар қандай четланишларни аниқлаш ҳамда келгусида уларни юзага келишини олдини олиш имкониятини яратади;

- ички назорат тизимининг барча иштирокчиларини ҳисобдорлиги-ички назорат тизими ҳар бир иштирокчисининг назорат функциясини сифатли бажаралиши бошқа иштирокчилар томонидан назорат қилинади;

- мажбуриятлар тақсимооти-банкда назорат функцияларини такрорланиши олдини олиш мақсадида назорат функциялари ходимлар ўртасида шундай тақсимланиши лозимки, бунда маълум бир активлар билан боғлиқ операциялар, хусусан активларни сақланиши, уларни ҳисобини юритиш ва инвентаризация қилиш бир ходим томонидан амалга оширилиши мумкин эмас;

- операцияларга рухсат бериш ва тасдиқлаш-барча молиявий-хўжалик операциялар масъул ходимлар томонидан тегишли ваколат доирасида тасдиқланиш тартиби қатъий белгиланиши лозим;

- банкда кундалик ички назоратни амалга оширувчи таркибий тузилмаларини ўзаро ҳисобдорлигини тўғри ташкил этиш ҳамда уларни банк Кенгаши олдида Аудиторлик қўмитаси орқали функционал ҳисобдорлигини таъминлаш;

- ички назорат субъектлари ўзларининг назорат функцияларини лозим даражада бажарилиши юзасидан жавобгарлигини белгилаш;

- барча ички назорат таркибий тузилмалари ўртасидаги назоратни ўзаро самарали ҳамкорликда амалга оширилишини таъминлаш;

- доимий ривожланиш ва такомиллашув-банкда янги вазифаларни ечишга, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштиришга мослашишни ҳисобга олган эгилувчан ички назорат тизимини яратишга ҳаракат қилиш;

- четланишлар тўғрисида ўз вақтида хабар бериш-банкда четланишларни бартараф этувчи ваколатли шахсларга тегишли ахборотларни белгиланган жуда қисқа муддатларда узатилишини таъминлаш;

- банкда назорат ўрнатилувчи муҳим соҳаларни аниқлаш-ички назорат камраб олувчи стратегик йўналишларни, ҳаттоки уларни самарали ишлашини ўлчаш имконияти мавжуд бўлмасида («харажат-иқтисодий самара» нисбати) белгилаш.

26.Ички назорат тизими қуйидаги ўзаро боғлиқ компонентларни ўз ичига олади:

- банк ходимларининг ахлоқий қадриятларини, раҳбарият сиёсатини, раҳбарият томонидан ваколатлар ва жавобгарликни тақсимлашни, банк

таркибий тузилмаси ва ходимлар малакасини оширишни, шунингдек банк Кенгаши, бошқаруви ва раҳбарлигини ўз ичига олувчи назорат муҳити;

- рискларни баҳолаш-турли даражадаги ва ўзаро кетма-кетликдаги маълум бир вазифалар бажарилишига эришишда тегишли рискларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- раҳбарият қарорлари ижро этилишини кафолатлашга ёрдам берувчи, операцияларни маъқуллаш, санкцияловчи, тасдиқловчи, текширувларни ўтказиш, жорий фаолият назорати, активлар ва ваколатлар тақсимооти хавфсизлигини кафолатлаш каби турли ҳаракатларни қамраб олиш билан боғлиқ бўлган сиёсат ва жараёнларни умумлаштирувчи назорат бўйича фаолият;

- маълумотларни ўз вақтида ва самарали аниқлаш, уларни рўйхатга олиш ва алмашинуви, жумладан ички назорат тизими субъектларида банк Бошқарув органлари томонидан қабул қилинган сиёсати ва ички назорат жараёнлари тўғрисидаги ахборотларни тўғри тушуниши ҳамда уларижроси бажарилишини таъминловчи самарали ахборот алмашинув каналларни ташкил этишга йўналтирилган фаолият. Банк томонидан ахборот базаларига рухсатсиз киришни олдини олиш юзасидан барча зарурий ҳимоя чоралари кўрилади;

- мониторинг- бу, ўтган вақтда тизимни ишлаш сифатини баҳолаш билан боғлиқ бўлган бошқарув ва назорат функцияларини ўз ичига олувчи жараёндир. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлигига таъсир этувчи хатоларни юзага келиш эҳтимолларини ўрганиш, ушбу хатолар аҳамиятини ва тизимни қўйилган вазифаларни бажариш имкониятини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Мазкур баҳолаш ишларини амалга ошириш учун банк Кенгашининг таклифи билан Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида мустақил профессионал ташкилот-консультантлар ёлланиши мумкин.

4-§. Тафтиш комиссияси

27.Тафтиш комиссиясининг мақоми, таркиби, функциялари, ваколатлари, ишлаш тартиби ҳамда Агробанкнинг бошқарув органлари билан ҳамкорлик муносабатлари Акциядорлари умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланган “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланган.

28.Тафтиш комиссияси банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи орган бўлиб, банкда мол-мулкни сақланиши, ҳисоб-китобларнинг конун ҳужжатларига мувофиқлигини ҳамда активларининг ликвидлигини текширади.

29.Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига

эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра банк Кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

30. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини бажариш пайтида қуйидаги турдаги ишларни амалга оширади:

- банк молиявий ҳужжатларини, мол-мулкни тафтишдан ўтказиш бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини текшириш, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

- банк номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

- юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- банкнинг молиявий-ҳўжалик, банк фаолиятида белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, қоидаларга риоя қилинишини текшириш;

- банкнинг молиявий ҳолатини, унинг тўловга лаёқатлилигини, активларининг ликвидлилигини, ўз ва жалб қилинган маблағлари нисбатини таҳлил қилиш, заҳиралар яратиш, банк Бошқаруви органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

- давлат солиқ ва статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун банк баланси, ҳисобот ҳужжатларининг тўғри тузилганлигини текшириш.

31. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- банк Бошқаруви органларидан, унинг бўлинмалари ва мансабдор шахсларидан Тафтиш комиссияси талаб қилган, унинг иши учун зарур бўлган, Тафтиш комиссиясининг функциялари ва ваколатларига мувофиқ келадиган барча ҳужжатларни олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига унинг ёзма сўрови асосида тақдим этилади;

- банк молиявий-ҳўжалик фаолиятида қонунбузарликлар аниқланган ёки банк манфаатларига зид ҳаракатлар қилинган ҳолатларда банк Бошқаруви органларининг ваколатида бўлган масалаларни ҳал қилишни талаб этадиган ҳолатларда ваколатли шахслардан Бошқарув, банк Кенгаши мажлисларини, Акциядорлар умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

- банк молиявий-ҳўжалик фаолиятида қонунбузарликлар аниқланган ёки банк манфаатларига зид ҳаракатлар қилинган ҳолатларда банк Акциядорлари умумий йиғилишини чақириш;

- банк ходимларидан, шу жумладан исталган мансабдор шахслардан Тафтиш комиссияси ваколатида бўлган масалалар бўйича шахсан тушунтириш беришни талаб қилиш;

- банк Бошқаруви органлари олдига, банк томонидан қабул қилинаётган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни бузган тақдирда, банк ходимлари, шу

жумладан, мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўйиш.

32. Тафтиш комиссиясининг хулосаси банк Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинади.

33. Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари банк Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахсни Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

34. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

-банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

35. Тафтиш комиссияси банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда банк Кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

5-§. Банкнинг ички аудит хизмати

36. “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан кўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга мувофиқ банкда Ички аудит хизмати ташкил этилган бўлиб, аудит хизмати мустақилдир ва у бевосита банк Кенгаши ва унинг Аудиторлик қўмитасига бўйсунди.

37. Ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб, Ички аудит хизмати томонидан банк раҳбариятига банк фаолиятининг назорати ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банк Кенгаши ва Бошқарувига банк фаолияти мақсадига эришишида кўмаклашиш ҳамда ички аудит текшируви натижалари асосида банкнинг реал ҳолати ва ички назорат самарадорлигининг аниқ ҳолати тўғрисидаги ишончли ва мустақил ахборот билан Банк Кенгашини таъминлаш ҳисобланади.

38. Аудит хизматига қуйидаги:

- ўтказилган ички аудит текшируви натижаларига асосланган банкнинг реал ҳолати ва ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисидаги ишончли ва мустақил ахборот билан банк Кенгашини таъминлаш;

- ички назорат тизимининг самарадорлиги ва монандлиги ҳамда ички аудитни ўтказиш бўйича қабул қилинган жараёнларнинг амалийлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- таваккалчиликларни бошқариш жараёнлари ва таваккалчиликларни баҳолаш услубиётининг самарадорлиги ва қўлланилишини кузатиш;

- бухгалтерия ҳисобварақлари ва молиявий ҳисоботларнинг аниқлиги ва ишончлилигини кузатиш;

- банк Кенгаши талабларига биноан махсус текширишларни ўтказиш ёки ўтказишда амалий ёрдам бериш ва бошқа вазифалар юклатилади.

39.Банкинг Ички аудит хизмати ўз фаолиятини банк Кенгаши қарори билан тасдиқланган “Ички аудит департаментининг” Низом асосида ташкил этиб, банк филиалларида йиллик аудит текширувларни банк Кенгаши қарори билан тасдиқланган “Ички аудит хизматининг текширувларни ўтказиш жараёнлари Дастури” асосида ўтказди.

40.Аудит хизмати зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

- банк Кенгаши томонидан тасдиқланган режа асосида ички аудит текширувларини ўтказиш ҳамда ҳар чорақда Аудит хизмати фаолияти натижалари ва ўтказилган текширувлар тўғрисида банк Кенгаши ҳамда Аудиторлик қўмитасига ҳисобот бериб бориш;

- аудит текширув вақтида капиталнинг етарлилик даражасини баҳолаш, активларнинг таснифланиши, таваккалчиликни бошқаришни ва ликвидлиликни баҳолаш, ўтказилган банк операцияларини бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботда ўз вақтида, тўлиқ ва аниқ акс эттирилишини баҳолаш каби масалаларни ёритиш;

- текширув якунлари бўйича аудит ҳисоботини тайёрлаш, унда камида аудит мақсади ва объектларини, аниқланган муаммо ҳамда камчиликлар, шунингдек ҳар бир муаммоли соҳа юзасидан аниқ тавсияларни кўрсатиш;

- тавсияларда аниқланган муаммоларнинг қисқача изоҳи, уларни бартараф қилишга доир талаб этиладиган чора-тадбирлар ва ушбу чора-тадбирларни амалга оширишга шахсан жавобгар бўлган шахслар ҳамда чора-тадбирларни бажариш муддатларини акс эттириш;

- ўтказилган ички аудит текширувларида аниқланган камчиликларни тўлиқ бартараф этилиши бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг бажарилиши, шунингдек келгусида уларнинг такрорланишини олдини олиш мақсадида амалга оширилган ишларнинг мониторинг қилинишини таъминлаш;

- Марказий банкка банк Кенгаши томонидан тасдиқланган чораклик ички аудит ҳисоботлари нусхаларини тақдим этиш;

- ички аудит текширувлари давомида аниқланган, банкка қасддан зиён етказиш, маблағларни ўзлаштириш ва бошқа жиноий ҳолатлар юзасидан зудлик билан банк раҳбариятини огоҳ қилиш ҳамда банкнинг тегишли таркибий тузилмалари билан биргаликда маблағларни тиклаш чораларини кўриш;

- Департаментнинг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ва уни банк Кенгаши тасдиғига киритиш;

- аудит текшируви ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларнинг сақланиши, уларнинг расмийлаштирилиши ҳамда ўрнатилган тартибда архивга топширилишини таъминлаш.

41. Аудит хизмати ходимлари (аудиторлар) қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

- бажараётган вазифалари характерига мос бўлган олий маълумотга эга бўлишлари;

- банкнинг пул муомаласи, кредит, валюта, депозит операциялари ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимларида камида уч йил иш стажига эга бўлишлари;

- Бош аудитор банкнинг юқоридаги бўлимлар раҳбарлиги лавозимида камида уч йил ёки ички аудит хизматида камида икки йил иш стажига эга бўлиши;

- банк қонунчилиги соҳасида билимларга эга бўлишлари, шу жумладан Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини билишлари;

- республикада белгиланган бухгалтерия ҳисоби ҳамда умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва аудит халқаро стандартлари қоидаларини қўллаш бўйича билимларга эга бўлишлари, шунингдек халқаро стандартлардаги ўзгаришларга мувофиқ махсус курсларда мунтазам ўқишлари;

- Марказий банктомонидан ташкил этилган аттестациясидан ўтиши.

42. Банк Кенгаши ички назорат тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Аудиторлик қўмитасини тузиши ва ушбу қўмита таркиби фақатгина Кенгаш аъзолари таркибидан ташкил этилиши лозим.

6-§. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тузилма

43. “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари”га мувофиқ банкда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича махсус тузилма ташкил этилиб, у бевосита банк Бошқарувига бўйсунди.

44. Махсус тузилма хизматининг асосий мақсади бўлиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш, тижорат банкининг қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жиноий фаолиятга жалб қилинишига, унинг устав фонди (капитали)га жиноий фаолият натижасида олинган капиталнинг, шунингдек тижорат банкни бошқаришга жиноятчи шахсларнинг кириб келишига йўл

қўймаслик, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади.

45.Махсус тузилма хизматига қуйидаги:

- қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларга мувофиқ миқдорларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- миқдорларнинг ҳақиқий эгаларини аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг манбасини аниқлаш бўйича асосли ва қўрилиши мумкин бўлган чораларни амалга ошириш;

- қоидалар ва ички ҳужжатлар билан белгиланган мезонлар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш;

- амалиётларни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

- юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этган ҳолда, алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилиш;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

- операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва миқдорларни лозим даражада текширишга доир материалларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

- сўровлар бўйича миқдорлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлаш ва бошқа вазифалари юклатилади.

46.Махсус тузилма хизмати ўз фаолиятини банк Кенгаши қарори билан тасдиқланган низом асосида ташкил этиб, банкнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини “Банк тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Тартиби” асосида олиб боради.

47.Махсус тузилма хизмати зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

- ўз ваколати доирасида “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари” ва ички ҳужжатлар билан юклатилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун зарур чораларни қўриш;

- тижорат банкининг тегишли бўлинмаларидан олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш;

- ўз вазифаларини амалга оширишда олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш ва ички ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

48.Махсус тузилма ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

- бажараётган вазифалари характерига мос бўлган олий маълумотга эга бўлишлари;

- Махсус тузилма хизмати раҳбари олий иқтисодий ёки юридик маълумотга ва тижорат банкининг банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлинмасида камида икки йиллик раҳбарлик тажрибасига ёхуд Махсус тузилма хизматида камида бир йиллик иш стажига эга бўлиши;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни билиши;

- банк қонунчилиги соҳасида билимларга эга бўлишлари, шу жумладан Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини билишлари;

- бухгалтерия ҳисоби қоидалари ҳақидаги билимга эга бўлиш, шунингдек мунтазам равишда малакани ошириш бўйича махсус ўқув курсларидан ўтиши;

- Марказий банк томонидан ташкил этилган аттестациядан ўтиши.

- ўз фаолияти ва шахсий хулқ атворида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқаргани ёки ишни виждонан юритмаганини намоён этмаган ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги жинояти учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилмаган бўлиши лозим.

7-§. Бухгалтерия операцияларини ички назоратдан ўтказиш тартиби

49."Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномага асосан Банкда бухгалтерия операциялари дастлабки, жорий ва якуний назоратдан ўтказилади.

50.Дастлабки назорат масъул ижрочи томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг самарадорлигини, банкнинг ички сиёсатига ҳамда амалдаги қонунчиликка мос эканлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар, операциялар хорижий валютада халқаро шартномалар асосида амалга оширилса, шартнома шартларига риоя қилиниши лозим.

51.Мижозлардан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган шаклдаги бланкда ёзилиб тўғри расмийлаштирилганлиги, барча реквизитлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлиги, ушбу пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўйш, чизиш ва

тузатишга йўл қўйилмаганлиги, шу жумладан ҳисобварақни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тақдим этилган намуналарга мос келиши текширилади.

52. Мижоз тақдим қилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида белгиланган талабларга зид камчилик ва нуқсонлар аниқланса, тўлов ҳужжатлари мижозга ижрога қабул қилинмасдан қайтарилиши лозим. Суммаси, мижозлар номи ва уларнинг ҳисобварақлари рақами ўзгартирилган тўлов ҳужжатлари, ҳатто мижозлар томонидан ўзаро келишилган тартибда тузатиш киритилган бўлса ҳам ижро учун қабул қилинмайди.

53. Назоратчи бухгалтер (филиал бош бухгалтер ўринбосари ёки алоҳида тайинланган ходим) банк ички ҳужжат айланиш тартибига асосан масъул ижрочи бухгалтердан келиб тушган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилгандан кейин жорий назоратни амалга оширади.

54. Жорий назоратда дастлабки назоратдан ўтказилган тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва уларнинг электрон нусхаларининг тўғри расмийлаштирилганлиги қайтадан текширилади ҳамда улардаги имзолар ва муҳр изини (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) ўзларида мавжуд имзолар ва муҳр изи намуналари билан солиштирилади.

55. Назоратчи бухгалтер томонидан банкнинг ички молия-ҳўжалик операциялари бўйича келиб тушган тўлов ҳужжатларининг асл ва электрон нусхалари ҳамда ушбу операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган банк тегишли бўлинмаларининг Хизмат фармойишларининг нусхалари тўғри расмийлаштирилганлиги, хато ва камчиликлар йўқлиги текширилади.

56. Бош бухгалтер белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, дастлабки ва жорий назоратдан ўтган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилиб олади ва ушбу тўлов ҳужжатларида қонунчилик ҳамда банкнинг ички сиёсатида ўрнатилган талабларга риоя қилиниши бўйича умумий назоратни амалга оширади.

57. Бош бухгалтер барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларига ўрнатилган тартибда имзо чекиб, тасдиқлайди ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширади. Банк раҳбари буйруғи билан тўловларни тасдиқлаш бошқа банк ходимига топширилиши мумкин.

58. “Банкда бухгалтерия ишини ташкил этишда якуний назоратни амалга ошириш” Тартибига мувофиқ бухгалтерия операциялари якуний назоратдан ўтказилади.

59. Якуний назоратни амалга оширишдан мақсад банк операциялари тўлиқ ва ўз вақтида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилганлиги, ушбу операцияларни амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги ҳамда бухгалтерия бошланғич ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилганлигини текширувдан ўтказиш ҳисобланиб, унинг вазифаси - бухгалтерия ҳисоби маълумотларини бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мувофиқ равишда акс эттирилишини ҳамда бухгалтерия

ҳисобидаги аниқланган камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни муддатида амалга оширилишини тизимли назоратини амалга ошириш ҳисобланади.

60. Якуний назорат банк филиаллари штатлар жавдалига асосан ички буйруқ асосида бухгалтерия тузилмасининг юклатилган масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

61. Якуний назорат 3 турдаги текширувлардан (кунлик хужжатлар, тизимли ва тематик текширувлардан) иборат бўлиб, тизимли ва тематик текширувларни ўтказишда, филиал бошқарувчиси ҳамда бош бухгалтер кўрсатмасига асосан филиалнинг бошқа таркибий тузилмасининг малакали мутахассислари ҳам жалб этилиши мумкин.

62. Тематик текширувларда филиалнинг барча бухгалтерия ходимларининг бир турдаги муайян мажбуриятлари ёки алоҳида бир турдаги банк операциясини қандай бажарилаётганлиги текширувдан ўтказилади.

63. Тизимли текширувларда эса, бухгалтерия ҳисобини айрим участкаси (ёки ходими) фаолияти мунтазам якуний назорат текширувидан ўтказилади. Алоҳида ходимлар ва бўлимларнинг фаолияти текширилганда, улар томонидан вазифалар ва мажбуриятларни бажарилиши ҳам қамраб олиниши лозим.

64. Барча ўтказилаётган текширувлар махсус очилган китобда (рақамланган, ип билан тикилган, филиал бошқарувчиси ва бош бухгалтер имзоси ҳамда муҳр билан тасдиқланган) рўйхатга олинади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- текширувчи ҳамда текширилаётган участкадаги масъул ходимнинг исми, шарифи ва лавозими;
- текширилган участка;
- текширув ўтказилган сана;
- текширув кўлами;
- текширув натижалари (маълумотнома рақами, санаси кўрсатилади ёки “камчиликлар аниқланмади” деб ёзилади);
- текширувчининг имзоси;
- текширув натижалари билан танишганлиги тўғрисида бошқарувчи ва бош бухгалтер имзолари.

65. Якуний назорат текширувлар натижаси маълумотнома, агар камчиликлар аниқланса далолатнома шаклида расмийлаштирилади ва унда:

- текширилган участка (бўлим, операция)нинг номи;
- ижрочиларнинг исми, шарифи;
- текширув кўлами;
- текширув санаси;
- текширув натижасида нотўғри амалга оширилган операциялар ва фаолиятидаги бошқа камчиликлар аниқ далиллар мисолида кўрсатиб ўтилиб, уларни юзага келиш сабаблари баён қилинади.

66. Филиал бошқарувисига маълумотнома берилгандан сўнг текширувда аниқланган камчиликлар юзасидан уч кун муддатда бухгалтерия аппарати ҳамда мазкур операцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этувчи бўлимларнинг масъул ходимлари (масалан, касса амалиёти, кредитлаш ва ҳ.к.) иштирокида муҳокама қилиниши ҳамда ушбу камчиликлар сабабларини бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилиши зарур.

67. Камомад, ўғрилиқ шунингдек, мансабни суистеъмол қилиш ҳолатларида эса филиал бошқарувчиси икки кун мобайнида Марказий аппаратга маълумот тақдим этиши ҳамда белгиланган тартибда тергов идораларига материалларни тақдим этиши лозим.

68. Филиаллар Бош бухгалтери ҳамда якуний назорат бухгалтери текширувлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича назорат ўрнатишлари шарт.

8-§. Ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш механизми

69. Ташқи аудит ҳисоботи ва аудит хулосасида бевосита банкда ички назорат тизими ҳолатига баҳо берилиб, аудиторлик компанияси томонидан банк раҳбарияти номига йўлланган хатда ички назорат самарадорлигини янада ошириш юзасидан тавсия ва таклифлар берилади. Ташқи аудит ҳисоботи ички назорат тизими тўғрисидаги ҳисобот таркиби ва уни шакллантириш регламентини ўз ичига қамраб олади.

70. Банкда ташқи аудит Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги Низом, шунингдек Молиявий ҳисоботларнинг халқаро ва миллий стандартлари асосида ўтказилиб, аудиторлик ташкилотлари банк фаолияти текшируви натижалари бўйича ҳисоботнинг тўғрилигини тасдиқлайдилар, шунингдек банк йиллик ҳисоботга илова қилинадиган расмий аудиторлик хулосасини беради.

71. Банкда аудиторлик текширувлари ҳар йили йиллик ҳисобот бўйича ўтказилади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ давлат муассасалари талабига кўра ёки банкнинг ўз ташаббуси билан бутун банк фаолияти ҳамда алоҳида масалалар бўйича ўтказилиши мумкин.

72. Аудиторлик ташкилоти қуйидаги талабларга амал қилишлари шарт:

-аудиторлик текширувларини ўтказиш давомийлиги аудит ўтказиш лозим бўлган ҳар бир соҳага боғлиқ бўлган таваккалчилик даражасини баҳолашга асосланган, ички назоратнинг тегишли сиёсати ва андозаларининг мавжудлиги ҳамда бошқарув ва ички назоратнинг самарадорлиги каби омиллар эътиборга олинган Аудиторлик дастури тузишлари;

-аудиторлик текширувини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ҳамда банк аудити жараёни методологиясига риоя этишлари;

-аудиторлик ҳисоботида молиявий-ҳўжалик операцияларининг қонунийлиги бузилиши фактларини ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни ақс эттиришлари;

-аудиторлик текширувларини профессионал аудит андозаларига мувофиқ равишда юқори малака билан ўтказишлари;

-текширув давомида ўзлари оладиган ва тузадиган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлашлари;

-Марказий банк талабига мувофиқ барча ишчи ҳужжатларни ҳамда уларнинг нусхаларини тақдим этишлари ва бошқалар.

73.Банк раҳбарияти номига йўлланган аудит тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши юзасидан чора-тадбирлар Дастури бевосита банк Кенгаши ёки унинг Аудиторлик қўмитаси томонидан тасдиқланиб, унинг банк Бошқаруви томонидан ижросини таъминланиши Аудиторлик қўмитаси томонидан қатъий назоратга олинади.

Ахборот хавфсизлиги бўйича берилган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилишида юзага келиши мумкин бўлган қўшимча маблағлар сарфи учун банкнинг жорий йил бизнес-режасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

74.Амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида Марказий банк томонидан масофавий таҳлил ёки бевосита инспекция текширувларини ўтказиш орқали банкнинг ички назорат тизими ҳолати ва унинг самарадорлиги бевосита баҳоланади.

Марказий банк банкда ички назоратни яхшилаш юзасидан талабларни қўйиши ёки янги талабларни қўйиши, шунингдек “Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисида”ги Низом ҳамда “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида”ги Низом асосида банкка нисбатан бошқа санкцияларни қўллаши мумкин.

75.Марказий банкнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда банкда ички назорат ҳолатини яхшилаш юзасидан кўрсатмалари, шунингдек инспекция текшируви натижаларини банк Кенгаши ва Бошқаруви йиғилишларида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланиши ҳамда унинг ижроси қатъий назоратга олинishi лозим.

76.Акциядорлар умумий йиғилиши ёки банк Кенгаши қарорларига мувофиқ банкда ички назорат органи тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилот-маслаҳатчини жалб қилиши мумкин.

77.Профессионал ташкилот-маслаҳатчини жалб қилиниши юзасидан қарор қабул қилинган ҳолда аниқ бир ташкилотни танлаш ва унинг хизматига тўланадиган маблағ миқдори банк Кенгашининг қарори асосида белгиланади.

78.Маслаҳатчининг банк ички назорат органи тизими самарадорлиги юзасидан ҳисоботи бевосита Акциядорлар умумий йиғилиши ёки банк Кенгашида муҳокама қилинади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинади.

9-§.Якуний қоидалар

79.Мазкур Низом банк Кенгаши томонидан тасдиқланган кундан кучга киради.

80.Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда киритилиб, банк Кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

81.Ушбу Низом банк ходимлари, Бошқарув ва назорат органи аъзолари учун риоя этилиши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.